

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ**

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ  
фани бўйича

**Услубий қўлланма**

НАМАНГАН 2013 йил

Ушбу ўқув-услубий қўлланма 5380100-юриспруденция таълим йўналиши бўйича фаннинг намунавий дастури ҳамда фаннинг ишчи дастури асосида тайёрланган. Наманган давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультети ҳуқуқшунослик кафедрасининг 2013 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сон мажлисида (баённома №\_\_\_\_) муҳокама этилган ва маъқулланиб, ижтимоий-иқтисодий факультети илмий кенгаши ва университет ўқув-услубий кенгашига тавсия этилган.

Наманган давлат университетининг ижтимоий-иқтисодий факультети 2013 йил \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ -сон мажлисида (баённома №\_\_\_\_) муҳокама этилган ва маъқулланган.

Наманган давлат университети ўқув-услубий кенгаши томонидан маъқулланган ва “ZiyoNET” ахборот-таълим тармоғига жойлаштиришга тавсия этилди.

Баённома №\_\_\_\_\_

Тузувчи: Жумабоев Ахроржон Хамзалиевич, ўқитувчи.

Такризчилар: Холиқов Худоберди Комилович - НамДУ  
ҳуқуқшунослик кафедраси катта ўқитувчиси

Наманган вилояти “Наманган адвокатлар  
ҳайъати” бошқарувчиси Рахмонов Якубжан

Ўқув-услубий қўлланма – фандаги “Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари ва манбалари” мавзусининг мақсади, аҳамияти ва вазифалари; талабаларнинг мавзу бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар; ушбу мавзу бўйича назарий, амалий ва мустақил иш машғулоти хажми ва мазмуни; мавзунинг ўқитиш ва унинг семинар машғулоти олиб бориш бўйича услубий тавсиялар; мавзунинг таквимий мавзунинг режаси; мавзу бўйича ўқув-услубий адабиётлар; дидактик воситалар рўйхати ва баҳолаш мезонлари камраб олинган бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар фойдаланиши учун мўлжалланган.

## 1. Кириш.

Мазкур ўқув-услугий қўлланма талабаларнинг Меҳнат ҳуқуқи фани бўйича “Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари ва манбалари” мавзуси бўйича талабалар билимларини шакллантиришдаги асосий ҳолатлар ва кўрсатмаларни ўзида ифода этган ҳамда ҳуқуқий таълим йўналишида мустақил фан сифатида меҳнат ҳуқуқининг шу мавзу бўйича назарий асосларини ўрганиш назарда тутилган.

Ўқув-услугий қўлланма – фандаги “Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари ва манбалари” мавзусининг тушунчаси, мақсади, аҳамияти ва меҳнат ҳуқуқи тамойилларининг турлари; талабаларнинг мавзу бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларига қўйилган талаблар; назарий, амалий ва мустақил иш машғулоти ҳажми ва мазмуни; мавзунини олиб бориш ва ўқитиш бўйича услубий тавсиялар; тақвимий мавзуий режалар; ўқув-услугий адабиётлар; дидактик воситалар рўйхати ва баҳолаш мезонларини қамраб олган.

Ўқув-услугий қўлланма фандаги “Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари ва манбалари” маззусини ёритишда, техника, технологиянинг сўнгги ютуқлари, олий таълим ривожланишининг жаҳон тенденцияси ҳисобга олиниб, республикада жорий этилган узлуксиз таълим тизимининг таълим турлари ўртасидаги узвийлик ва узлуксизликни инобатга олган ҳолда тайёрланди.

## 2. Фаннинг мақсади ва вазифалари

**Фанни ўқитишдан мақсад** – талабаларни Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва бандлик соҳасидаги ҳуқуқий сиёсат моҳиятини тушуниб етишга кўмаклашиш, меҳнат қонунчилигининг асосий тушунчалари ва қоидалари билан таништиришдан иборат.

“Меҳнат ҳуқуқи” фанининг ўқитилиши бакалавриятда меҳнат ҳуқуқи ҳақида мустақкам билимлар, барқарор илмий дунёқарашни шакллантиришга мўлжалланган.

**Фаннинг вазифаси** - талабаларга фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқи ва ушбу ҳуқуқни таъминлашнинг конституциявий қафолатлари ҳақида чуқур назарий билимлар бериш, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг мазмунини ташкил қилувчи унсурлар ҳақида тўлиқ маълумотлар бериш, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида маълумотлар бериш, меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқий қафолатларнинг аниқ турлари ҳақида талабаларда тушунча ҳосил қилиш, меҳнат шартномаси тузиш ва унинг мазмуни, шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш чоғида тарафларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқий қафолатлар ва уларнинг амалга оширилиши, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат низолари ва уларни ҳал этишнинг ҳуқуқий воситалари ҳақида етарли тасаввур ҳосил қилишдан иборат.

## 3. Фанни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

Меҳнат ҳуқуқи фанининг назарий ва амалий соҳаларда эришилган асосий ютуқлари, муаммолари ва уларнинг ривожланиш истиқболлари, меҳнат қонунчилигининг моҳияти ва аҳамияти ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- меҳнат ҳуқуқи оид бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг асосий қоидаларини, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, бошқа идоравий норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини, амалдаги қонунчиликни қўллай билиши, аниқ муаммолар учун керак бўладиган қонун ҳужжатларини тўғри танлай билиши, уларни аниқ ва ўринли ҳал эта олиш каби назарий билимларга эга бўлиши;

- амалий вазифаларни қонунчилик-меъёрий ҳужжатларни қўллаган ҳолда ҳал эта билиши, давлат органлари ва бошқа қонунни қўлловчи муассасалар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни топа билиши, уларга тўғри баҳо бериши, бу нуқсонлар юзасидан малакали ҳуқуқий хулосалар бера билиши юзасидан амалий кўникмаларни эгаллаши;

- меҳнат қонунчилигига тааллуқли бўлган Халқаро Меҳнат Ташкилоти Конвенциялари, қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг ижросини аниқ ва бир хилда таъминлаш, амалиётда меҳнат қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш бўйича юзага келган низоларни тўғри ҳал эта олиш, фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш вақтида вужудга келадиган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларга ҳуқуқий баҳо бериш, меҳнатга оид миллий қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ҳамда тавсиялар бериш бўйича компетенцияларга эга бўлиши керак.

#### **4. Фаннинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги**

Ўқув режасида режалаштирилган ихтисослик ижтимоий таъминот ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, молия ҳуқуқи, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи фани билан бевосита боғлиқдир.

Меҳнат ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси бўлиб, унга тааллуқли моддий ҳуқуқ нормалари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун ва бошқа қонуности ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Юқоридаги фанлар билан меҳнат ҳуқуқи фанининг узвийлиги тўлиқ таъминланган. Талабалар юқоридаги фанларни ўзлаштирганидан сўнг меҳнат ҳуқуқи фани томонидан ишлаб чиқилган усуллар ва услубларни назарий жиҳатдан ўрганадилар ва ўзлаштирадилар.

#### **5. Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари ва манбалари мавзусининг ҳажми ва мазмуни.**

##### **5.1. Мавзунинг ҳажми:**

<b>№</b>	<b>Машғулот тури</b>	<b>Ажратилган соат</b>	<b>Семестр</b>
1	Назарий	2	7
2	Семинар	6	7
3	Лаборатория	–	–
4	Мустақил иш	32	7
5	Курс иши (лойиҳалаш)	–	–
6	Назоратлар	–	–

## 5.2. Назарий мавзунинг мазмуни ва уларга ажратилган соат:

№	Назарий машғулотлар мавзулари мазмуни	Соат
<b>7 - семестр</b>		
<b>1</b>	<p><b>Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари ва манбалари.</b> Меҳнат ҳуқуқи тамойиллари тушунчаси. Тармоқ тамойиллари ва уларнинг таснифи. Меҳнат ҳуқуқи манбалари тушунчаси, таснифи. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси меҳнат ҳуқуқининг етакчи манбаси сифатида. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси меҳнат ҳуқуқининг асосий манбаи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, вазирликлар, идоралар ва давлат қўмиталари меъёрий ҳужжатлари. Жойлардаги давлат ҳокимият органлари ҳужжатлари ҳамда локал норматив ҳужжатлар меҳнат ҳуқуқининг манбаи сифатида. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари. Меҳнат-ҳуқуқий нормаларни вақт, ҳудуд ва шахслар ўртасида амал қилиш қоидалари. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида меҳнат ҳуқуқи нормаларида акс этиши.</p>	<b>2</b>
<b>Жами:</b>		<b>2</b>

## 5.3. Семинар машғулотлари мазмуни:

№	Семинар машғулотлари мавзуси	Семинар машғулотлари мақсади	Кутиладиган натижа	Ажратилган соат
<b>7 - семестр</b>				
<b>1</b>	<b>Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари</b>	Меҳнат ҳуқуқи тамойиллари ва уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга оширилишидаги аҳамияти тўғрисида тасаввур бериш	Талабаларда мажбурий меҳнатга йўл қўйилмаслиги, камситишнинг тақиқланганлиги ва бошқа принциплар ҳақида тушунча ҳосил қилиш	<b>2</b>
<b>2</b>	<b>Меҳнат ҳуқуқининг манбалари</b>	Меҳнатга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг таснифи билан таништириш	Меҳнат ҳуқуқ нормаларини амалиётда қўллашни ўрганиш	<b>2</b>

3	<b>Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар меҳнат ҳуқуқининг манбаи сифатида</b>	Халқаро ташкилотлар томонидан меҳнат қилиш ҳуқуқига оид ҳужжатлар ва ташкилотлар билан таништириш	Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларини миллий қонунчиликда акс этишини ва уларни янада бирхиллаштириш имкониятларини кўрсатиб бериш	2
<b>Жами:</b>				<b>6</b>

Меҳнат ҳуқуқи фанидан “Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари ва манбалари” мазуларида тайёрланган ушбу семинар ишланма семинар машғулотларини ўтказиш талабларининг фан бўйича билимлари ошишига хизмат қилади ва олий ўқув юрларининг 5380100-“юриспруденция” мутахассисликлари учун мўлжалланган. Семинар машғулотларига талаба нафақат маърузада эшитган йўлланмалари бўйича, балки таклиф қилинган адабиётларни атрофлича ўрганиб чиқиш билан тайёргарлик кўради ҳамда билимини мустаҳкамлайди.

### **Семинар машғулотлари мазмуни.**

Семинар ва амалий машғулотларни ўтказиш талабаларнинг фан бўйича билимлари ошишига хизмат қилади. Семинар машғулотларига талаба нафақат маърузада эшитган йўлланмалари бўйича, балки таклиф қилинган адабиётларни атрофлича ўрганиб чиқиш билан тайёргарлик кўради ҳамда билимини мустаҳкамлайди. Семинар машғулотларига жиддий тайёргарлик кўрган талаба жумлаларни тўғри тузишга, фикрини атрофлича баён қилишга, асосли ишончли мулоҳазалар юриштишга ўрганади. Семинар машғулотларини ўтиш билан талабанинг нотўғри фикр ва мулоҳазаларини тузатиш имкониятига ҳам эга бўламиз.

Семинар машғулотлари режаси ҳар бир мавзу бўйича ўқитувчи томонидан алоҳида тузилади. Режада мавзу учун ажратилган ва ҳал қилиниши лозим бўлган саволлар мажмуаси кўрсатилади. Талаба ҳар бир саволга ёзма тарзда жавоб ёзиши билан бирга ўз мулоҳазалари ва мустақил фикрларини қисқача ёзма баён этиши ҳам мумкин. Масалани муҳокама қилиш давомида талаба музокараларга киришиши, ўзининг фикрларини асослаб бериши мумкин. Бу эса фуқаролик ҳуқуқи фанини чуқур билиш учун имконият яратади.

### **1-мавзу. Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари (2-соат).**

#### **Режа**

1. Меҳнат ҳуқуқининг асосий тамойиллари тушунчаси.
2. Меҳнат бозорини ва аҳолини иш билан таъминлашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсатини ифодаловчи тамойиллар.
3. Меҳнатнинг шартларини белгилаш соҳасидаги бошқарув асосини ифодаловчи тамойиллар.
4. Ходимлар меҳнатининг қўлланилишини тартибга солишни белгиловчи тамойиллар.
5. Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ифода этувчи тамойиллар

### **Машғулот жиҳози.**

Мавзу бўйича талабалар томонидан мустақил ёзилган конспектлар, тайёрланган рефератлар, мавзуга оид услубий кўрсатмалар, тарқатма материаллар, саволлар тўплами, бошқотирмалар, тестлар.

### **Машғулот ўтиш услуби.**

Гуруҳни иккита командага бўлиб, ақл чархи усулидан фойдаланиб, улар ўртасида баҳс-мунозара асосида ўзаро мусобақа ташкил қилиш ва савол-жавоблар натижаларига кўра ҳар икки командани ва аъзоларини тегишли баҳолаб, уларни рағбатлантириш.

### **2-мавзу. Меҳнат ҳуқуқининг манбалари (2-соат).**

#### **Режа**

1. Меҳнат ҳуқуқи манбалари тушунчаси ва аҳамияти.
2. Меҳнат ҳуқуқи манбаларининг турлари
3. Локал норматив ҳужжатлар меҳнат ҳуқуқининг манбаси сифатида.

### **Машғулот жиҳози.**

Мавзу юзасидан талабалар томонидан тайёрланган рефератлар, тестлар, назорат саволлари, тарқатма материаллар.

### **Машғулот ўтиш услуби.**

Машғулот баҳс-мунозара, давра суҳбати тарзида ташкил қилиниб, ақл чархи усулидан фойдаланиб, яъни ўқитувчи ёки бирор-бир талаба томонидан мавзуга доир муаммоли савол ўртага ташланиб унга тегишли ва тўғри жавоб олиш орқали билим бериш билан олиб борилади.

### **3-мавзу. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар меҳнат ҳуқуқининг манбаи сифатида (2-соат).**

#### **Режа**

1. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси.
2. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар турлари.
3. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг миллий қонунчилигимиздаги аҳамияти тамоийллари.

### **Машғулот жиҳози.**

Мавзу юзасидан талабалар томонидан тайёрланган рефератлар, тестлар, назорат саволлари, тарқатма материаллар.

### **Машғулот ўтиш услуби.**

Машғулотни талабалардан мавзуга оид тест сўрови ўтказиш орқали олиб борилади. Бунда олдиндан ўқитувчи томонидан тест вариантлари тузилган бўлиб, ҳар бир вариантга ўнтадан тест саволлари киритилган бўлади.

Машғулот бошида гуруҳ уч командага бўлинади. Ана шу командаларни ҳар бирига дастлаб биттадан тест вариантлари тарқатилади (биринчи командага 1-вариант, 2-командага 2-вариант, 3-командага 3-вариант) ва тестларни ечиш учун командаларга вақт белгиланади.

Командалар ўз қўлларидаги дастлабки вариантларни белгиланган вақт ичида ечиб бўлганларидан сўнг командаларга бошқа вариантлар алмаштириб берилади.

Шу тарзда ҳар бир командага учала вариантни ҳам ечиш имконияти яратилади.

Умумий белгиланган вақт тугагандан сўнг, ўқитувчи командалар томонидан ечилган тестларни йиғиб олиб, маълум бир вақт ичида тестларни командаларни биттадан холис вакили иштирокида текшириб, натижаларини эълон қилади ва ғолиб командани тақдирлайди.

Ўқитувчи тестларни текшираётганда ҳар бир талаба учтадан мавзуга оид тест тузиб топширишлари сўралади. Талабалар томонидан тузилган тестлар қанчалик тўғри ва мантиқий тузилганлиги тўғрисида келгуси машғулотда ўқитувчи маълумот беради. Ушбу тузилган тестлар бўйича энг яхши тест тузган талаба тақдирланади.

### **6. Мустақил иш мавзусининг мазмуни ва уларга ажратилган соатлар:**

<b>Мустақил иш мавзулари</b>	<b>Мустақил таълимга оид топшириш ва тавсиялар</b>	<b>Бажариш муддати</b>	<b>Мустақил иш ҳажми (соатда)</b>
Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва унинг конституциявий асослари. Меҳнат муносабатлари соҳасида ижтимоий шерикчилик. Меҳнат шартномаси – меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолати сифатида.	Рўйхатдаги берилган мавзулар бўйича қ уйида кўрсатилган шаклларда мустақ ил иш бажарилади	7-семестр	32 соат



ТМИни ташкил этишда талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш мумкин:

- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш;
- амалий, семинар ва лаборатория машғулотларига тайёргарлик кўриб келиш;

маълум мавзу бўйича реферат тайёрлаш 20 бет (А-4, 14 шрифт 1,5 интервал);

- битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси учун материаллар тўплаш;
- ҳисоб-китоб ва график ишларини бажариш;
- макет, модел ва бадий асарлар устида ишлаш;
- амалиётдаги мавжуд муаммонинг ечимини топиш, тест, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;
- илмий мақола, тезислар ва маъруза тайёрлаш;
- амалий мазмундаги ностандарт масалаларни ечиш ва ижодий ишлаш;
- уй вазифаларини бажариш ва бошқалар;

Фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларга мустақил иш учун бошқа шакллардаги вазифалар ҳам топширилиши мумкин. Талабаларга қайси турдаги топшириқларни бериш лозимлиги кафедра томонидан белгиланади.

Топшириқлар пухта ўйлаб чиқилган ва маълум мақсадга йўналтирилган бўлиб, талабаларнинг аудитория машғулотларида олган билимларини мустаҳкамлаш, чуқурлаштириш, кенгайтириш ва тўлдиришга хизмат қилиши керак.

Талаба танлов асосида илмий мақола ва маъруза тезисларини тайёрлаши ҳам мумкин:

ИЗОҲ: Илмий журналларда чоп этилган 4 та мақола 68 соат. ( 1 та мақола 17 соат).

Илмий конференция материалларида чоп этилган 6 та мақола 68 соат ( 1 та мақола 11,5 соат).

## **7. Фаннинг ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.**

Меҳнат ҳуқуқи фанини ўқитиш жараёнида таълимнинг анъанавий ва интерфаол ўқитиш усуллардан фойдаланилади. Назарий машғулотларда ҳар бир мавзу тегишли маъруза матнларини оғзаки тушунтириш йўли билан баён этилади. Семинар машғулотлари оғзаки ва ёзма шаклда ташкил этилиши кўзда тутилади. Маъруза ва семинар машғулотларини ўқитиш жараёнида илғор педагогик технологиялардан, хусусан кўргазмали слайдларни кодоскоп орқали намойиш этиш, электрон материалларни проектор орқали тасвирга чиқариш воситаларидан фойдаланилади.

Фаннинг тегишли назарий ва семинар машғулотларида таълимнинг инновацион, интерфаол методлари, жумладан экспресс-сўровлар, ақлий ҳужум, ажурли арра, мунозара, кичик гуруҳларда ишлаш, меню, дебат каби методларини қўллаш назарда тутилади.

### 8. Мавзу бўйича тақвимий режа.

№	Мавзу	Ажратилган соат	Таълим шакли	Дарс тури	Фанлараро ва фан ичидаги боғлиқлик	Таълим методлари	Таълим воситалари	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	Мустақил иш топшириқлари
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1	Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари ва манбалари.	2-6	кундузги	Маъруза	Меҳнат ҳуқуқи	таълимнинг инновацион, интерфаол методлари	Янги педагогик технологиялар	Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. ЎзР.Олий Мажлис Ахборотномаси 1996 й. 1-сон,Илова.	Қўшимча адабиётлардан фойдаланиб мавзу юзасидан канспект ёзиш, савол жавобга тайёрланиш,

## 9. Мавзу бўйича дидактик воситалар.

- жихозлар ва ускуналар, мосламалар: скайнер, слайдлар
- видео-аудио ускуналар:
- компьютер ва мультимедиали воситалар: кадоскоп, диопроектор

## 10. Мавзу бўйича баҳолаш мезонлари.

### 10.1. Семестр бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари:

Семестр	Назорат тури	%	Максимал балл (100%)	Ўтиш бали (55%)
7-семестр	Жорий	40	40	22
	Оралиқ	30	30	17
	Якуний	30	30	17

### 10.2. Мавзу бўйича талабалар билимини баҳолаш жадвали.

Балл		Балл		Балл		Балл	
min	max	min	max	min	max	min	max
0	54	55	70	71	85	86	100

## 11. Мавзу бўйича глоссарий.

**1. Меҳнат ҳуқуқи** - меҳнат бозори фаолияти натижасида юзага келувчи, ёлланма меҳнатни қўллаш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш оқибатида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиди.

**2. Ташкилий - бошқарув муносабатлари** - бу муносабатлар асосан иш берувчи ва корхона жамоаси, касаба уюшмалари ўртасида меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш юзасидан вужудга келади. Ташкилий-бошқарув муносабатлари аниқ бир корхонада меҳнат шартларини қабул қилиш ва қўллаш, моддий-маиший ва маданий хизмат кўрсатиш, меҳнатга ҳақ тўлашни нормалаш, корхона жамғармаларидан фойдаланиш кабилардан вужудга келади. Ташкилий-бошқарув муносабатлари қаторига жамоа шартномаси ва жамоа келишувларини тузиш, бажаришга оид муносабатлар ҳам киради.

**3. Ишга жойлаштиришга оид муносабатлар** - бу муносабатлар фуқаро ишга жойлаштириш бўлимига иш сўраб мурожаат қилиши билан бирга пайдо бўлади. Ўзбекистонда ишга жойлаштириш бўлимлари зиммасига фуқароларнинг меҳнат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларини амалга оширилишига қаратилган вазифалар юклатилган.

**4. Касбга тайёрлаш ва малака оширишга оид муносабатлар** - бу муносабатлар фуқаро ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда яқка тартибда, бригада таркибида ёки махсус курсларда касб ўрганиши, малака ошириши пайтида юзага келади. Касбий тайёргарлик

соҳасидаги муносабатлар ходим билан иш берувчи ўртасида ўзаро шартнома тузилишга асосланади.

**5. Меҳнат муҳофазаси устидан назорат қилишга оид муносабатлар** - бу муносабатлар ваколатли органлар томонидан меҳнат қонунларига амал қилиниши устидан назоратни амалга оширилиши жараёнида юзага келади.

**6. Меҳнат низоларини ҳал этишга оид муносабатлар** - бу муносабатлар ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнатга оид низоларни ҳал этиш билан боғлиқ равишда вужудга келади ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари ҳамда воситаларини кўзда тутаяди.

**7. Меҳнат муносабатларидан келиб чиқувчи процессуал муносабатлар** - бу муносабатлар меҳнат муносабатлари юзага келиши, ўзгариши ва барҳам топиши процессуал тартибларини белгилаб беради.

**8. Меҳнат ҳуқуқининг манбаи деганда** - давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ходимлар ва иш берувчилар вакиллик органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида ходимларнинг меҳнат шароитларини тартибга солиш, ўзаро меҳнат муносабатларини бошқариш юзасидан қабул қилинадиган ҳуқуқ нормаларининг ифодаланиш шакли назарда тутилади.

**9. Меҳнат ҳуқуқининг манбалари** - меҳнатга оид муносабатлар ва улар билан узвий равишда боғлиқ бўлган бошқа муносабатларни тартибга солувчи турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардир.

**10. Мажбурий меҳнат** - яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш тақиқланади.

## **12. Мавзу бўйича назорат саволлари.**

1. Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари деганда нима тушунилади?
2. Меҳнат ҳуқуқи тамойиллари турларини айтинг.
3. Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари қандай гуруҳларга бўлинади?
4. Меҳнат ҳуқуқи манбалари тушунчаси ва уларнинг таснифи.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги аҳамияти нима?
6. Халқаро ҳуқуқий актлар меҳнат ҳуқуқининг манбаи бўла оладими?
7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг қабул қилиниши, тузилиши ва аҳамиятини сўзлаб беринг.
8. Локал норматив ҳужжатлар деганда нималар тушунилади ва уларнинг аҳамияти қандай?
9. Меҳнат қонунларини қўллашда Олий суд пленумининг қарорлари аҳамиятини айтиб беринг.
10. Меҳнат қонуни ҳужжатларининг вақт, ҳудуд ва шахслар ўртасида амал қилиш қоидаларини биласизми?
11. Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг меҳнат ҳуқуқи манбаси сифатидаги аҳамияти нималардан иборат?

### 13. Мавзу бўйича тестлар.

#### 1. Меҳнат ҳуқуқида “Ҳуқуқ манбаи” деганда нима назарда тутилади?

- А) Жамиятнинг моддий шароитлар, ишлаб чиқариш муносабатлари
- В) Давлат томонидан ифода этилган эркнинг намоён бўлиш шакли
- С) Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар
- Д) Меҳнатни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш асосий принциплари

#### 2. Меҳнат ҳуқуқининг тамойилини белгиланг.

- А) Аҳолини иш билан таъминлаш
- В) Аҳолини моддий жиҳатдан таъминлаш
- С) Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ифода этувчи тамойиллар
- Д) Ишга жойлаштириш

#### 3. Меҳнат ҳуқуқининг тамойиллари деганда...

- А) Амалдаги қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган асосий ғоялар
- В) Ҳуқуқни ифода этувчи қоидалар
- С) Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига изоҳ берувчи ғоялар
- Д) Меҳнатга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ғоялар

#### 4. Меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий нормалар неча гуруҳга бўлинади ва улар қайсилар?

- А) 2 гуруҳга: умумий ва махсус
- В) 2 гуруҳга: моддий ва процессуал
- С) 3 гуруҳга: ман этувчи, тақиқловчи, рухсат берувчи
- Д) 3 гуруҳга: миллий, маҳаллий, минтақавий

#### 5. Қонун ости ҳужжатлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Президент фармони, Олий Мажлис қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари
- В) Меҳнат кодекси, Олий Мажлис қонунлари, Президент фармонлари
- С) Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, Президент фармонлари, Вазирлик, кўмитанинг чиқарган қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси чиқарган қарор ва фармойишлар
- Д) Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

### 14. Мавзу бўйича масалалар тўплами.

1. Тошкент шаҳрига ишга жойлашмоқчи бўлиб келган фуқаро А. “ишга қабул қиламиз” эълони бўйича ушбу фирмага ишга борди. Фирма ходимлари эса уни ишга қабул қилишни рад этди. Рад этиш сабаблари сифатида фуқаро А.ни бошқа вилоятдан келганлигини, ёши 45 дан ошганлигини, улар эса фақат ёши 20-30 ёш ўртасида бўлиш лозимлигини, бунинг устига рус тилини билмасликларини кўрсатишди.

Фуқаро А. ўзини камситилган деб ҳисоблаб, фирма раҳбари устидан шикоят қилишини билдирди.

Ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

**2.** Корхона ходими Б. меҳнат муносабатлари жараёнида қонунга зид ҳолатлар мавжуд, деган фикрга келди. Хусусан, корхонада аёллар ва вояга етмаганлар бошқаларга нисбатан кам ишлаб бошқа ходимлар билан тенг ҳақ олаётганлигини, пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахсларни иш берувчи ташаббуси билан ишдан бўшатишга мажбурланиш ҳоллари кўплаб учраётганлигини, корхона раҳбарининг айрим қариндошлари иш ҳақига қўшимча тўловларни мунтазам олиб келаётганлигини, ногиронларга меҳнат таътиллари муддати кўп берилаётганлигини аниқлади. Ушбу ҳолатларни бартараф қилиш учун корхона раҳбарига мурожаат қилди. Раҳбар эса корхона хусусий эканлигини айтиб, уни ўзини ишдан бўшатиб юбориши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Шундан сўнг ходим судга мурожаат қилишини билдирди.

Ушбу келишмовчиликни қонуний ҳал қилинг.

**3.** Мамлакатимизда Жанубий Корея Республикаси инвестицияси асосида ташкил этилган текстиль корхонаси ходимлари ўз миллий қонунчилиги асосида ишлаш истакларини билдиришиб Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига хат билан мурожаат қилишди. Вазирлик фақатгина уларга иш ҳақларини ўз миллий валютаси вонда олишлари мумкинлигини, бироқ бошқа барча меҳнат муносабатлари корхона қайси давлат ҳудудида жойлашган бўлса, шу давлат қонунчилиги билан тартибга солинишлигини билдирди. Шундан сўнг корейс ходимлари ўз ҳукуматларига мурожаат қилишиб ушбу масалани ижобий ҳал қилиб беришларини сўради.

Ушбу вазиятни таҳлил қилиб масаланинг тўғри ечимини беринг.

**4.** Халқаро Меҳнат Ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматиغا мурожаат қилиб охириги 10 йил ичида меҳнат соҳасида қабул қилинган конвенцияларнинг мамлакатдаги ижроси бўйича маълумот беришларини сўради. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати эса мазкур конвенцияларни ратификация қилинмаганлигини, шунинг учун уларнинг нормалари мажбурий эмаслигини билдириб, маълумот тақдим эта олмасликлари ҳақида хабар берди. Халқаро Меҳнат Ташкилоти эса агар зудлик билан мазкур маълумотлар тақдим этилмаса мамлакатга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллашлигини билдирди.

Ушбу масалани қонуний ҳал қилинг.

## **15. Ўқув услубий адабиётлар ва электрон таълим ресурслари рўйхати.**

### **1. Раҳбарий адабиётлар:**

1.1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) Т. Ўзбекистон, 2010 й.

1.2. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. (2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза). 2011 йил 22 январь. Халқ сўзи.16-сон.

1.3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. «Ўзбекистон», 2011 й.

1.4. Каримов И.А. “Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир”, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллиги муносабати билан сўзлаган маърузаси. “Хақ сўзи” газетаси, 2011 йил 8 декабрь.

1.5. 2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Манба: [www.yurida.uz](http://www.yurida.uz).

### **2. Асосий адабиётлар:**

2.1. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А., Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномаси (контракт) 3- китоб.-Тошкент, 1996.

2.2. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А., “Меҳнат шартномаси (контракт)”. Саволлар ва жавоблар.- Т. 2000 г.

2.3. Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. –Т. “Иқтисодийёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2002.

2.4. Турсунов Й.Меҳнат ҳуқуқи.- Тошкент, “Молия”, 1999, 187б.

2.5. Турсунов Й., Усманова М. Меҳнат ҳуқуқи. – Тошкент, “Молия”, 2001, 227-б.

### **3. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

3.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., Ўзбекистон. 2012.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги 1992 йил 2 июлдаги қонуни. - Т. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 1-сон, 1993 йил.

3.3. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуни. - Т. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 5-сон. - Т. “Адолат”, 1994.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси - Т. Адолат 2011 й.

3.4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Низом. – Қарорлар тўплами, 1995, 10-сон.

3.5. “Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” Йўриқнома. 18.11.1996 й.

3.6. “Ташқи меҳнат миграцияси масалалари Агентлиги“ ҳақидаги Низом. Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 12 апрел 505-сонли қарори билан тасдиқланган. Қарорлар тўплами. 2003 йил, 4 –сон.

#### **4. Электрон таълим ресурслари:**

- 4.1. Сайт “Профсоюзная учеба”: neyantsev @ z66.ru. [http: // bca/uz/prot](http://bca/uz/prot).
- 4.2. law @ ext. dvg.ru. “Конференция по трудовому праву”.
- 4.3. [http:// www. Mintrud.ru](http://www.Mintrud.ru). “Обзор заработной платы”.
- 4.4. [http:// www. Solidarity-mos.ru /center/ Lawyers/ Komm](http://www.Solidarity-mos.ru/center/Lawyers/Komm). Тк.



## Мундарижа

1. Кириш.....	4 - 5
2. Фаннинг ҳажми ва мазмуни .....	5 - 6
3. Семинар машғулоти мавзулари, режалари ва тавсиялар .....	6 - 9
4. Мустақил иш мавзулари ва уларга ажратилган соатлар .....	9 - 10
5. Фанни ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар .....	10 - 10
6. Таквим (календар) режа .....	11 - 11
7. Дидактик воситалар ва боҳолаш мезонлари .....	11 - 12
8. Глоссарий .....	12 - 13
9. Назорат саволлари .....	13 - 13
10. Тест саволлари .....	14 - 14
11. Масалалар тўплами .....	14 - 15
12. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	16 - 17



